

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

**5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида)  
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент

ЎзР 000000  
Буйруқ № 418  
14.08.2020

### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат аграр университети
- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» август даги 3 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил «14» август даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби **630 000 – Атроф-муҳит муҳофазаси** таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
2.3. Касбий квалификациялар	8
3. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.1. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.2. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	8
Библиографик маълумотлар.....	9

## **1. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида)**  
таълим йўналиши

#### **Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида)**  
таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

**1.2.1. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида)**  
таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида)** таълим йўналиши – қишлоқ хўжалиги соҳасидаги йўналиш бўлиб, у давлат, табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги кўмиталари ишлаб чиқариш тармоқлари, қишлоқ хўжалиги турли соҳа ва тармоқларини бошқариш, ер, сув, иқлим, минерал ва биологик ресурсларининг инсон томонидан ўзлаштирилиши, яъни ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсидан фойдаланишда табиатнинг ифлосланиши, тикланадиган ва тикланмайдиган ресурслар, табиатни муҳофаза қилишда ҳалқаро ҳамкорлик масалалари, касбий фаолиятида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуини ўз ичига олади.

**1.2.2. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида)**  
таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

-локал, регионал, миллий ва глобал табиий, антропоген, табиий-хўжалик, экологик-иқтисодий, ижтимоий ва ишлаб чиқариш системалар, барча турдаги хўжалик фаолияти экологик таркибий қисмларининг бошқарилиши, назорати, мониторинги, таълим, маориф

ва аҳоли саломатлиги, демографик жараёнлар, қишлоқ хўжалиги, барча даражадаги барқарор ривожланиш дастурлари, табиатни муҳофаза қилиш бўйича муаммоларни олидин олиш;

- атроф - муҳитдаги антропоген ўзгаришларни ўрганиш ва муҳитни яхшилаш методикасини асослаш;
- табиатда оз учрайдиган ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш, кўпайтириш йўллари ишлаб чиқиш;
- илмий тадқиқот жараёнлари;
- атроф - муҳитдаги антропоген ўзгаришларни ўрганиш ва муҳитни яхшилаш методикасини асослаш;

- *Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришларни мўайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режасларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**1.2.3. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- ташкилий-бошқарув.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш:
- ахборот-таҳилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

**1.2.4. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

*5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:*

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- атроф муҳит муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий ва меҳнат ресурсларини режалаштириш;
- ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш;
- бошқарув қарорни қабул қилиш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги, техника хавфсизлиги талаблари асосида ишлаб чиқариш жараёнларини мониторингини юритиш;
- касбий муаммолар ечимини топиш;
- ижрочи жамоа ишини ташкил қилиш;
- фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш бўғини ишини ташкил қила олиш ва бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, бажариш ва назорат қилиш ҳамда иш натижаларини баҳолаш.
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тадбирларини амалга оширишни режалаштириш;
- табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва самарадорлигини баҳолаш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилишда чиқиндиларининг меъёрий талаб нормаларига ва



меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини ва ташкил этиш ва назорат қилиш;

- соҳага оид инновацияларни амалиётга татбиқ қилишни ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш шароитларида атроф муҳитга кўрсатиладиган таъсир жараёнлари ва даражаларини баҳолаш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш фаолияти бўйича иш режасини тузиш, бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникалари ва коммуникацион воситаларни амалиётда кенг қўллаш;
- илғор технологик жараёнларни қўллаш;
- илмий асосланган тизимларни қўллаш ва тавсияномалар бериш;
- янги самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва оқилона фойдаланиш;
- табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

#### **Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари ҳамда имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш фаолияти бўйича иш режасини тузиш;
- камайиб ва йўқолиб кетаётган турларни муҳофаза қилиш чораларни ишлаб чиқиш;
- лакол, регионал ва глобал муаммоларни олдини олишда ихтисосликдан келиб чиққан ҳолда чет эл ва маҳаллий усулларни амалда қўллаш олиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнларида кузатувлар ўтказиш;
- техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, экологик безара ишлаб чиқариш ҳамда оқава ва чиқиндиларни тозалаш технологияларни амалиётга тадбиқ этиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуаларини амалга ошириш бўйича ташкилий ишларда иштрок этиш;
- экология ва атроф муҳит муҳофазасига оид илмий ва илмий-техник маълумотларнинг ўрганиш ишларида иштрок этиш;
- илмий иш ҳисоботи учун маълумотлар тайёрлаш;
- қарор қабул қилиш, билимларни амалиётда қўллаш, иш самарадорлиги ва сифатига жавоб бериш;
- республика ҳамда хорижда чоп этилган экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;
- мавзу (топшириқ) бўйича илмий маълумотларни йигиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштрок этиш;
- экология ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги илғор илмий-тадқиқот натижалари ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

**Тадбиркорлик фаолиятида:**

- соҳа доирасида янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- соҳа доирасида бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**2. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, соҳа доирасида ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- соҳа доирасида янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

**2.2. Касбий компетенциялар:**

- хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптимallasштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмиталари, ўрмон хўжалиги, кўрқихоналар, буюртмахоналарда меҳнат фаолиятини ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарув соҳасида ишини ташкил этиш ва бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- ечилаётган муаммоларни амалий моделларини ишлаб чиқиш ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш.
- соҳа доирасида рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- бозор иқтисодиёти, ташқи ва ички бозор нарх наволари ва унга хос хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш, уларни аниқ бошқарув вазифаларига мослаштириш ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантириш кўникмаларига эга бўлиш;
- соҳа доирасида бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;
- янги ташкилотларни (фаолият йўналишлари, маҳсулотлари) яратиш ва ривожлантириш учун бизнес режалар тузиш кўникмаларига эга бўлиш.
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида сервис хизмати кўрсата олиш.

### 2.3. Касбий квалификациялар:

Эколог, агроэколог, биоэколог, геоэколог, эколог-педагог, гидроэколог, эколог-валеолог, гидрогеоэколог муҳандис эколог, лаборант эколог, табиатни муҳофаза қилиш инспектори, Давлат бош инспектор, табиатни муҳофазаси буйича Давлат бош инспектори, баликчиликни муҳофаза қилиш Давлат бош инспектори, қурилишдаги экоаналитик, эконозоратчи квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

### 3. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

#### 3.1. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллار, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумқасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

#### 3.2. 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртқи шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
Шу жумладан, мустақил таълим	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%



## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**



**Тошкент давлат аграр университети**

Ректор Б.А.Сулаймонов

2020 йил « 20 » Июль

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси**

Раис Ш.Ш.Абдуразаков

2020 йил « 20 » Июль

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Олий таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор технологияларни  
таъбиқ этиш маркази директори  
Директори З.Хақимов

2020 йил « 30 » Июль

М.Ў.

Атроф-мухит ва табиатни муҳофаза қилиш  
технологиялари илмий-тадқиқот институти






Директор Е.С.Бўриев

2020 йил « 08 » 18

М.Ў.



**5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) бакалаврият таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқарувчи Ишчи гуруҳ таркиби**

т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
<b>Раис</b>			
1	Бухоров К.Х	Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик ва ботаника кафедраси мудири, доцент	
<b>Аъзолари:</b>			
2	Сапарова Г.	Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик ва ботаника кафедраси доценти	
3	Норбоев З.	Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик ва ботаника кафедраси доценти	
4	Юлдашева С	Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик ва ботаника кафедраси катта ўқитувчиси	
5	Камалова Г	Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик ва ботаника кафедраси ассистенти	

Ўқув ишлари бўйича проректор



С.Я.Исламов

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Тошкент давлат аграр  
университети ректори  
**Б. Сулаймонов**

202\_ йил «\_» \_\_\_\_\_

м.ў.

**ЎҚУВ РЕЖА**

Таълим йўналиши:

5630100 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси  
(қишлоқ хўжалигида)

Академик даража - БАКАЛАВР

Ўқиш муддати - 4 йил

Таълим шакли - кундузги

**“КЕЛИШИЛДИ”**

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазири  
**И.Маджидов**

202\_ йил «\_» \_\_\_\_\_

м.ў.

**I.ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ**

Курс	Хафталар																																																				Ўқув жараёни хафталари сони:						Жами	Хаммаси										
																																																					шундан																	
																																																					Назарий ва амалий таълим	Аттестациялар	Малакавий амалиёт	Яқини давлат аттестацияси	Ташкил хатталари сони													
	Сентябрь					Октябрь					Ноябрь					Декабрь					Январь					Февраль					Март					Апрель					Май					Июнь					Июль					Август														
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43	44	45	46	47	48	49	50	51	52																		
I																																																																						
II																А	А	Т	Т	А																		М	М	М	М						А	А	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	37	30	5	2		15	52
III																																																																						
IV											М	М	М	М																																	М	М	М	М	А	Я	Я	Я	Я	Т	Т							44	30	2	8	4	4	48
																																																							<b>Жами</b>	<b>162</b>	<b>120</b>	<b>16</b>	<b>22</b>	<b>4</b>	<b>42</b>	<b>204</b>								

Назарий ва амалий таълим   
  А   
  Аттестациялар   
  М   
  Малакавий амалиёт   
  Я   
  Яқини давлат аттестацияси   
  Т   
  Таътил хатталари сони

**II.ЎҚУВ РЕЖАСИ**

Т/р	Фаннинг малака-вий коди	Ўқув файлари, блоклар ва фаолият турларининг номлари	Талабанинг ўқув юкламаси, соатларда								Соатларнинг курс, семестр ва хафталар бўйича тақсимоти								Кредитларнинг курс, семестр ва хафталар бўйича тақсимоти								Жами кредитлар	
			Умумий юклама ҳажми		Аудитория машғулотлари, соатларда						Мустақил таълим	1-курс				2-курс				3-курс				4-курс				
					Жами	Маъруза	Амалий	Лаборатория	Семинар	Курс иши		1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3		4
			соат	%							Семестрлар								Семестрлар									
											Семестрдаги аудитория машғулотлари хафтага тақсимоти								Кредит тақсимоти									
1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28
1.00		Табийий-илмий ва гуманитар фанлар	1770	27,1	810	220	325	175	90		960	20	20	6	2	6				23	22	6	2	6				59
1.01	МТМ1104	Математика	120		45	20	25				75	3								4								4
1.02	ФМ1104	Физика	120		45	20		25			75	3								4								4
1.03	НКМ1106	Ноорганик кимё	180		90	30		60			90	6								6								6
1.04	ОКМ2204	Органик кимё	120		60	30		30			60			4							4							4



**Изоҳ:**

1. 1 кредит 30 академик соатни ташкил қилади.
2. Ҳарбий тайёргарлик машғулоти кўшимча фанлар блокининг соатлари ҳисобига, ҳарбий йиғин эса таътил вақти ҳисобига ўтказилади. Ҳарбий тайёргарлик машғулоти ўтказилмайдиган ҳолларда ушбу блокдан меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мосланувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминловчи фанлар ОТМ Кенгаши қарори билан белгиланади.
3. Ўқув режа асосида ишчи ўқув режасини тузишда талабалар юкласининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ўқув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳамда аудитория юкласининг умумий ҳажмини сақлаган ҳолда айрим семестрларда ҳафталик юкламалар ҳажмини эркин белгилаш мумкин.
4. Якуний давлат аттестацияси муддатлари таркибига битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш ҳам кириди.
5. Ўқув режага киритилмаган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулоти ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.
6. Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Ўқув жараёнининг таркибий қисмлари	Ҳафталар сони	Семестр	Давлат аттестацияси
Назарий ва амалий таълим	120	1-8	Битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш ёки ихтисослик фанларидан Давлат аттестацияси
Малакавий амалиёт	22	2,4,5,6,7,8	
Аттестациялар	16	1-8	
Якуний давлат аттестациялари	4	8	
Таътиллار	42	1-8	
<b>Жами</b>	<b>204</b>		

Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти  
Бош бошқармаси бошлиғи

С.Ниязбеков

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашида маъқулланган  
202\_йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли баённома

Маънавий- ахлоқий тарбия  
бошқармаси бошлиғи

О.Базаров

Олий таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор технологияларни  
татбиқ этиш маркази директори

З.Ҳакимов

ТДАУ Ўқув ишлари  
бўйича проректор

С.Исламов

Кадрлар буюртмачилари:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари  
ва малака ошириш бўлими бошлиғи

Ш.Жоникўлов

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш  
технологиялари илмий тадқиқот  
институти директори

С.Бўриев

**5630100-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида)**  
**Бакалавр таълим йўналишининг фанлар кесимида касбий компетенциялари**  
**ЖАДВАЛИ**

№	Фаннинг малакавий коди	Фаннинг номи	Таълим йўналиши бўйича этиладиган зарурий касбий компетенциялар	Курслар кеимида фаннинг ўқув жараёнидаги ўрни			
				I	II	III	IV
<b>Табий-илмий ва гуманитар фанлар</b>							
1	МТМ1104	Математика	Табиатда бўладиган турли хил ҳодисаларни таҳлил қилиш ва техник масалаларни ечиш математика фанининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Математика фани, табиат объектлари ва ҳодисаларини тўлақонли ўрганиш, улар ҳақида ҳар хил натижалар олиш, уларни таҳлил қилиш ва улар асосида янги экологик билимлар яратиш учун кенг имконият яратиб беради. Талабаларда атроф-муҳит объектлари ва ҳодисаларига нисбатан ижобий муносабат муҳитини яратиш, ўз соҳасида учрайдиган турли хил салбий экологик ҳодисаларни олдини олиш усуллари ўрганади				
2	ФМ1104	Физика	20 асри атом, компьютер, космос асри деб бежизга айтилмайди. Ҳа 20 аср тарихда жуда катта из қолдирди. Урбанизация натижасида йирик шаҳарлар – мегаполослар вужудга келди. Техника тўхтовсиз ва шиддат билан ривожланди ва ривожланмокда. Айтилганларни барчасини фанда юз берган революцион жараён деб қараш мумкин. Буларнинг ўзига яраша ҳам салбий ҳам ижобий томонлари мавжуд. Техникани ривожланиши ўз навбатида атмосфера, тупроқ, сув ва ҳаттоки космосни ифлосланишига олиб келди. Электр муаммосини ечамиз деб атом электростанциялардан фойдаланиш инсоният олдида жуда катта экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Радио -, теле-, мобил алоқаларнинг ривожланиши атроф-муҳитни ўзига хос электромагнит ифлосланишга олиб келди ва келмокда. Машина – механизмлар ва турли хил завод ва фабрикалардан чиқаётган ифлос газлар атмосфера таркибида ҳоҳлаганча топилади. Буларнинг мониторинги асосида физика қонунлари ётади. Масалан, лазер ёрдамида атмосфера таркибини ўрганиш. Физиклар қўлида жуда				

			<p>катта илмий техник потенциал мавжуд бўлиб, у табиатни қандай йўқотиш ёки сақлаб қолишда жуда катта аҳамият касб этади. Экотизимни исталган босқичини мониторинг қилишда физикавий усуллардан самарали ва кенг фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб масала саналади. Бундай физикавий усулларни экотизимда қўллаш учун, назарий жиҳатдан балаврларга физика қонунларини моҳиятини тушунтириш, уларни амалда қўллай олишларига ўргатиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади. Демак, физикларни қудратли потенциалидан фойдаланиш учун кўпгина ривожланган мамлаткатлар ОТМ ларида физик – эколог мутахассисларини тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу ишларни бизда ҳам қилиш фақат ижобий натижаларга олиб келади.</p>				
3	НКМ1106	Ноорганик кимё	<p>Ноорганиккимё фани-ноорганик моддаларнинг синфланиши, уларнинг тупроқ, атмосферада ва сувда тарқалиши уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, ўсимликлар ва хайвонот дунёсидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги билимларни беради. Қишлоқ хўжалагида фойдаланадиган ерларни фтор бирикмалари ҳамда оғир металллар билан зарарланиши даражасини ўрганиб, уларни маҳсулотлар етиштиришдаги зарари тўғрисида билимларни ўргатади. Аналитик кимё фани-атроф муҳитни зарарланганлик даражасини сифат ва миқдор жиҳатдан ўрганиш усулларини ўрганувчи фан.</p>				
4	ОКМ2204	Органик кимё	<p>Органик кимё фани-ўсимлик ва хайвонот дунёсидаги органик моддаларнинг таркиби, уларнинг хусусиятлари, синтези ҳамда аҳамияти тўғрисидаги билимларни ўргатувчи фандир. Атроф муҳитни атмосфера ( тупроқ), сув ресурсларни зарарли пестицидлар билан зарарланиш даражасини ўрганиб, улардан ҳолис бўлиш усулларини ўрганувчи фандир. Тупроқ унумдорлигини оширишда, биологик фаол, экологик хавфсиз, табиий органик моддалардан фойдаланиш усулларини ўргатади. Атроф муҳитни экологиясини ( тупроқ, атмосфера ва сув ресурсларини) тезкор физик-кимёвий усуллар билан текширишни ўргатувчи фан.</p>				
5	БЎФМ 1210	Ботаника ва ўсимликлар физиологияси	<p>Ўсимликларнинг анатомик ва морфологик тузилишини, ўсимликларнинг аҳамияти, табиатда тутган ўрнини ўргатиш ҳамда уларни ботаник ва геоботаник кашфиёт усуллари билан таништириш, вегетатив ва генератив куртак, новдаларни, бир ва кўп йиллик ўсимликларни, бегона ўтларни; бир паллали ва икки паллали, бир уйли ва икки уйли, очик ва ёпиқ уруғли ўсимликларни фарқлаш; ўсимлик турларини аниқлаш, ўсимлик гуруҳларини геоботаник</p>				

			<p>Ўрганиш, чангланиш ва уруғланиш жараёнлари, ўсимликлар физиологияси хужайрада кечадиган физиологик-биокимёвий жараёнларни ўрганган ҳолда, уларнинг сув алмашинуви, тупрокдан минерал озикланиши, ўсимлик ҳосилдорлигида асосий ўрин тутувчи фотосинтез жараёнининг бориши, ўсимликларни нафас олиши ва уни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашдаги аҳамияти, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, уларга муҳит омилларининг таъсири, қишлоқ хўжалигида физиологик фаол моддаларни қўллаш, экинларнинг ноқулай шароитларга чидамлилиги ва мослашиши, ўсимликлар таркибидаги углеводлар, оқсиллар, нуклеин кислоталар, ёғлар ва уларнинг ҳосил бўлиши ҳамда парчаланиши каби жараёнлари ҳақида билимлар бериш.</p>				
6	ЎТМ1104	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	<p>Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида юз берган муҳим ўзгаришлар, туб ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кўрсатиш ва жамият ҳаётида талабанинг ўрнини, ўзлигини англантишдан иборат. Мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистонда юзага келган мураккаб вазиятни ҳамда мустақиллик йилларида давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳамда бошқа соҳалардаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини талабаларга тушунтириб бериш, уларни Ватанга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда миллий ғурурни шакллантиришдан иборат.</p>				
7	ФМ3106	Фалсафа	<p>Ёшларни замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш ҳамда уларда ўз-ўзини англаш ва тўғри фикрлаш маҳорати, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат. Табиат, жамият ва инсон тафаккурининг ривожланишига оид фалсафий билимлар, қонунлар ва категориялар мазмун-моҳиятини билиш, уларга нисбатан шахсий муносабатни шакллантириш орқали инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш; –фалсафа ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналишлари, диннинг келиб чиқиши ва унинг функциялари, табиат ва жамият борлиги тўғрисида тасаввурларини шакллантириш;</p>				



			<p>–жамият ҳаётидаги ижтимоий жараёнларга фалсафий тафаккур ва шахсий- таҳлилий танқид нуқтаи назаридан ёндашиш, ўз-ўзини маънавий-ахлоқий тарбиялаш туйғуларини ҳосил қилиш;  –ёшларда жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида фаол иштирок этиш ҳиссини тарбиялашдан иборат.</p>				
8	ЎТМ1106	Ўзбек (рус) тили	<p>Малумки Ўзбекистонда давлат тили ўзбек тили бўлиб, унинг мавқеини ошириш бизнинг пировард мақсадимиздир, лекин рус тили иш юритиш, кўп давлатлар билан алоқа қилиш тили деб ҳисобланади. “Рус тили” фанининг мақсади мазмун-моҳиятига кўра умумий илмий (академик) тил кўникмаларини ривожлантириш, талабаларнинг бўлғуси касбий фаолиятларида фойдаланиладиган тил компетенцияларини ривожлантириш, талабаларда тилдан ўз фикрини баён этиш учун эркин фойдаланиш, кўникма ва малакаларини эгаллаш мотивациясини шакллантириш ва ривожлантириш, ижтимоий-маданий ва грамматик компетенцияларини талабларига биноан ривожлантириш, илмий, касбий ва маиший фаолиятга боғлиқ мавзулар юзасидан оғзаки ва ёзма равишда баён этиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш, умумбашарий ва миллий қадриятлар билан таништириш, маданиятлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамдўстлик ҳисларини сингдириш, илмий ва касбий фаолиятда қўлланиладиган термин ва атамаларни ўргатиш, талабаларнинг илмий ва соҳавий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда мустақил ишларни ташкил этиш.</p>				
9	ХТМ1108	Хорижий тил	<p>“Хорижий тил” фанининг мақсади мазмун-моҳиятига кўра умумий илмий (академик) тил кўникмаларини ривожлантириш, талабаларнинг бўлғуси касбий фаолиятларида фойдаланиладиган тил компетенцияларини ривожлантириш, мустақил таълим талабаларда тилдан эркин фойдаланиш, кўникма ва малакаларини эгаллаш мотивациясини шакллантириш ва ривожлантириш, ижтимоий-маданий ва грамматик компетенцияларини талабларига биноан ривожлантириш, илмий, касбий ва маиший фаолиятга боғлиқ мавзулар юзасидан оғзаки ва ёзма равишда баён этиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш, умумбашарий ва миллий қадриятлар билан таништириш, маданиятлараро бағрикенглик ва миллатлараро</p>				

			ҳамдўстлик ҳисларини сингдириш, илмий ва касбий фаолиятда қўлланиладиган термин ва атамаларни ўргатиш, талабаларнинг илмий ва соҳавий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда мустақил ишларни ташкил этиш.				
10	ЎҚМ1103	Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	Ўзбек тилидаги аграр соҳага оид атама терминларни изоҳини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги соҳасига оид атама сўзларнинг келиб чиқишини ўрганиш, четдан кирган атама сўзларнинг муқобил вариантларини кўриб чиқиш, қишлоқ хўжалигининг ҳар бир йўналишида қўлланиладиган атамаларни матнлар асосида ўрганиш ва луғатини тузиш, илмий мақолаларда соҳага оид атамалардан тўғри фойдаланиш, илмий услубнинг соҳа бўйича атамаларини мукамал ўргатиш, огзаки ва ёзма нутқда уларни тўғри қўллаш, бўжалак мутахассисларга ўз соҳасига оид атамалар тўғрисида батафсил маълумот бериш ва сўз бойлигини ошириш, тегишли кўникма ва малакаларни ривожлантириш, соҳа бўйича қўлланиладиган атамаларни тўлиқ ўзлаштириш.				
11	ЖТМ1104	Жисмоний тарбия ва спорт	Инсонларнинг жисмоний комолоти, ҳаракатнинг асосий жисмоний сифатларини ривожлантириш, мақсадга интилиш, мустақиллик ва ижодий қобилият, мардлик, сабот ва интизом, маъсулият, ватанпарварлик, жамоавийликни, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан мунтказам шугулланиш эҳтиёжларини шакллантириш, соғлом турмуш таризини тарғиб қилиш, тарбия машғулотлари орқали касалликларни олдини олиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, машқлар бажарганда ўз-ўзини назоратга ўргатиш, ҳар томонлама баркамол шахе бўлиб етишишига кўмаклашишни, қўлга киритилган ютуқларни тағиб қила олишини ўргатишдан иборат.				
<b>Касбий компетенциялар</b>							
1	ЭКТМ1204	Экотуризм	Табиат-инсон-жамият муносабатларини уйғунлаштириш зарурати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат мажмуаларини қайта тиклашга оид мустақил қарор қабул қилиш, экотуризм тамойиллари, қишлоқ хўжалиги туризми, рекреация туризмини ривожлантириш йўллари, геотуризм, экотуристтик хизматларини, экотуризмда маҳалий табиий шароитларини жамоа ўртасида экологик билимларни ҳамда давлатнинг экологик туризмлари ҳақида билимлар бериш.				

2	БЛАМ2307	Биология асослари	<p>Биология асослари фани ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўрганишда назарий ва амалий масалаларни ҳал этиб экологияниинг айрим йўналишларини ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Биология асослари фани ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини хилма-хиллиги ва уни бир бутунлик сифатида ўрганиш ҳамда сайёрамиз миқёсидаги ҳаётий тизим тузилишига тегишли муҳим умумбиологик муаммоларни ҳал қилишда марказий ўринларда туради. Халқ хўжалиги ва амалиётда Биология асослари фанини услуб ва ютуқларидан фойдаланиш ёритиб берилади. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг тузилиши, ҳаёт кечириши, тарқалиши ва кўпайиши, ривожланиши ҳамда яшаш муҳити билан муносабатларини, шунинг билан бирга организмларнинг ўзаро муносабатларини билиш асосида ҳайвонот ва ўсимлик олами хилма-хиллигини сақлаш ва кейинги авлодга қолдириш, фойдали турларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, зарарли турларини сонини чеклаш муҳим аҳамиятга эга.</p>				
3	АКТМ1306	Ахборот-коммуникацион технологиялари	<p>Касбий фаолиятда замонавий ахборот технологиялари вар рақамли курилмалар, компьютер тармоқлари ҳамда Интернет тармоғидан эркин фойдаланиш. Соҳада қўлланилаётган ахборот тизимлари, технологиялари ва амалий дастурлардан фойдаланиш. Маълумотларни график кўринишда ифодалашни билиш. Табиий бойликлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва керакли кўринишга келтириб улардан фойдаланиш. Рақамли технологиялар ёрдамида табиатни кузатиш, ахборотларни йиғиш ва маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш. Электрон ҳукумат тизими хизматларидан фойдаланиш. Ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлаш усуллари, воситалари ва чора-тадбирларидан хабардор бўлиш. Иш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиб иш самарадорлиги ва сифатини ошириш</p>				
4	ТУПАМ2309	Тупроқшунослик ва агрохимё	<p>Табиий ресурслардан интенсив фойдаланиш оқибатида тупроқ тизимида оғир металллар билан ифлосланиш даражалари ошиб бормоқда. Тупроқ таркибида токсик моддалар миқдорларини доимий равишда ўрганиб бориш ҳамда экологик башоратлаштириш. Саноат заводларини атрофидаги ҳудудларни экологик ҳолатларини таҳлил</p>				

			қилиб бориш ва зарарли таъсирларни камайтириш усулларини ўрганиш. Тупроқ таркибидаги микроэлементлар миқдорлари, ферментлар фаоллиги саноат заводлари атрофидаги майдонларда ўзгаришларини ўргатиш.				
5	ТРОФМЭМ 2306	Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муқобил энергия	Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муқобил энергиянинг назарий асослари, давлатларнинг энергетик имкониятлари; табиий ресурсларни тежашда миллий энергия манбаларидан фойдаланиш тадқиқот услублари; тикланадиган ва қайта тикланмайдиган энергия ресурсларини муҳофаза қилишнинг илмий-назарий ва методологик асослари; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик-ҳуқуқий меъёр, стандартлар ва қоидаларини амалий татбиқ эта олиш, муқобил энергетика ва ундан фойдаланишнинг назарий жиҳатларини ва улардан табиатда фойдаланишни амалиётда қўллаш билиш, атроф-муҳитни баҳолашда экологик мониторинг ўтказиш, энергия ресурсларидан тежамли фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, чиқиндиларни жойлаштириш ва йўқотишнинг замонавий технологияларини қўллаш, чиқиндисиз ва кам чиқитли технологияларни жорий қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича билимлар берилади.				
6	ЭКЭЗМ3308	Экология асослари	Кишилиқ жамияти тараққиёти ва атроф муҳит ўзаро муносабати, ҳозирги даврдаги биосферанинг ҳолати; табиат муҳофазаси аҳамияти, инсон фаолияти, атроф муҳит ифлосланиши; экологик омиллар организмларнинг мослашуви, популяциялар, экотизимлар, уларнинг шаклланиши ва фаолият принциплари, ҳамжамиятларда биологик муносабатларнинг шакллари, биосферанинг барқарорлик асосий шарт сифатида биологик хилма-хиллик биомахсулдорлик, биосферага антропоген таъсирлар; табиий ресурслар, уларнинг таснифи; табиат муҳофазасининг асосий принциплари ўргатилади.				
7	БРАМ3306	Барқарор ривожланиш асослари	Барқарор ривожланишнинг экологик жиҳатларига оид билимларни бериш, жамият ва табиат уйғунликда барқарор ривожланиш қоидалари асосида фикрлай оладиган шахсни тарбиялаш, барқарор ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир тадқиқотларнинг мазмун ва моҳиятини илмий жиҳатдан ҳал этиш йўллари баён этиш, илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боришда				



